

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишнинг назарий ва услубий асослари	6
1.1. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тушунчаси ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти	6
1.2. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни баҳолаш услублари	14
1.3. Давлатнинг инвестицион дастурлари ва уларнинг иқтисодиётдаги роли	20
II БОБ. Ўзбекистонда давлат томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳолати таҳлили	28
2.1. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари	28
2.2. Ўзбекистонда бажарилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ҳолати таҳлили	32
2.3. Давлатнинг маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини бажарилиш ҳолати таҳлили	42
III БОБ. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни самарали амалга оширишда давлатнинг ролини ошириш истиқболлари	50
3.1. Республикада ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш йўллари	50
3.2. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни давлат томонидан бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари	56
Хулоса ва таклифлар	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	65
Иловалар	69

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодий жадал тараққий эттиришнинг объектив шартларини барпо этиш иқтисодийда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни самарали бошқариш, унда ҳукумат ролини ошириб бориш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялашни тақозо этади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов “Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.”¹ деб таъкидладилар.

Инвестиция фаолиятини самарали бажарилиши молиявий-иқтисодий қийинчиликларни енгишга, мамлакат иқтисодийнинг кенг кўламда таркибий қайта қуришга, инфляция муаммосини ҳал қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлашга беқиёс имкон беради.

Инвестиция фаолиятини самарали бошқаришда аҳамиятли ютуқларга эришиб келинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов шу соҳада “Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда.”² деган фикрни айтиб ўтдилар.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция фаолиятини самарали бошқаришда ҳукуматнинг роли ижобий йўналтириш муаммолари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида турган. Бу масалалар Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, Б.Фридман, Л.Абалкин, Л.Григорьев, Г.Найденов, Ю.Плутшевский, В.Фальцман, Р.Энгов ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

¹ И.А. Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.” // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь. № 13 (5687).

² И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

Республикамиз иқтисодчиларидан Ғозибеков Д., Юлдашев Ш.Г., Исмоилов К.К., Узоқов А., Каримов Н.Г. тадқиқотларида ҳам ушбу муаммоларга катта эътибор берганлар. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни самарали баҳолаш жараёнларини фаоллаштириш муаммосининг турли жиҳатлари Шарифхўжаев М.Ш., Муҳиддинов Р.М., Абдуғаниев А.А., Нодирхонов У.С., Ғуломов С.С., Ғозибеков Д., Расулов Н.Н., Турдиев А. ва шу каби маълум олимларнинг илмий изланишлари ҳам инвестиция фаолиятини жадаллаштириш масалаларига қартилган.

Шу жумладан, ушбу кенг қамровли муаммонинг кўпгина масалалари ҳали чуқур ўрганилмаган бўлиб, улар ўз ечимини кутмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш соҳасида давлат иштирокининг асосий шакллари ҳали тўла-тўқис асослаб берилмаган. Яна бир муҳим муаммолардан бири сифатида давлатнинг инвестиция жараёнини тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи шакллари ва усулларини кучайтириш масаласи туради. Ички жамғармалар ҳамда улардан иқтисодиётнинг барча секторини инвестициялаш учун фойдаланиш имкониятлари чуқур ўрганилмаган. Шу муносабат билан ички жамғармалар табиатини, уларнинг салоҳиятини аниқлаш, инвестиция мақсадларида ишлатиш йўллари ва усулларини топиш муҳим ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади давлатнинг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини самарали амалга ошириш йўллариини ўрганиш ва шу юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишнинг вазифалари сифатида куйидагилар белгилаб олинди:

- Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;
- Ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тушунчасини тадқиқ қилиш;
- Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни баҳолаш услублари ва давлатнинг инвестицион дастурларини ўрганиб чиқиш;

- Ўзбекистонда давлат томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳолатини таҳлил қилиш;
- Давлатнинг маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини бажарилиш ҳолати таҳлил қилиш;
- Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни самарали амалга оширишда давлатнинг ролини ошириш истиқболларини келтириб ўтиш;
- Республикада ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш йўллари шакллантириш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети давлатнинг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини самарали бошқаришда ҳукуматнинг ролини ўрганишни касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, мамлакатимизда ва чет элда чиққан методик ҳамда маълумотнома материаллар битирув малакавий иши учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан давлат инвестиция сиёсати борасида ва уни самарали бошқаришда ҳукуматнинг ролини ошириш тавсияларини ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш қисми, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишнинг назарий ва услубий асослари

1.1. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тушунчаси ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳа тушунчасини тўлоқонли англаб етиш учун даставал инвестиция тушунчасига урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияларни мўлжалланган соҳасига кўра капитал, инновация ва ижтимоий гуруҳларга ажратиб кўрсатилган³.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ўсишни узлуксиз равишда таъминлаш, ишлаб чиқаришни янгилаб, модернизациялаб боришда ҳамда рақобатбардош корхоналарни шакллантиришда хориж сармоясига, айниқса ривожланган мамлакатлар инвестицияларига катта эҳтиёж туғилади. Хорижий инвестицияларни одатда икки гуруҳга ажратиб ўрганилади.

1. Тўғридан тўғри чет эл инвестициялари. Иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишида, бюджет маблағларини оқилона тақсимлаб боришда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг ўрни беқиёс. Тўғридан тўғри чет эл инвестицияларида инвесторлар ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай рискларни ўз зиммаларига олиб келадилар.

2. Давлат кафолати остидаги инвестициялар. Давлат кафолати остида киритилаётган инвестициялар турли сабабларга кўра салбий натижа билан яқунланиб қолган тақдирда, уларнинг харажатларини давлат қоплаб беради. Мустақиллигимизнинг янги йилларида кўпгина давлатлар иқтисодиётимиз билан яхши таниш бўлмаганлиги, иқтисодиётимизга тўлиқ ишонч билан қарамаганлиги туфайли уларга талайгина кафолатлар берилган. Ҳозирги кунга келиб давлат кафолати остидаги инвестициялар миқдори камайиб бормоқда. Бундай ижобий ўзгаришга чет эллик инвесторлар иқтисодиётимизга ишонч билан қарай бошлашлари, мамлакат

³ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 24 декабр, 1998 йил.

иқтисодиётининг узлуксиз ўсиб бориши, инвестиция муҳитининг йилдан-йилга яхшиланиб бориши каби омиллар таъсир этмоқда.

Инвестиция сўзининг таржимасига турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Масалан, бир манбада “инвестиция” сўзи лотинча “investio”⁴ сўзидан олинган бўлиб, “безамоқ”, “кийинтирмоқ” деган маънони касб этиши таъкидланган бўлса, яна бирида эса “инвестициялар” атамаси лотин тилидаги “Invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради дейилган.

Масалан, баъзи адабиётларда “инвестиция” “Узоқ даврга моддий ва молиявий ресурсларни асосий капитал (ишлаб чиқаришнинг асосий кучлари)га, жамғарма ва бошқа иқтисодий объект ва фаолиятга қўйилмалар инвестициядир”⁵ дейилса, баъзиларида “инвестициялар -бу фойда ёки бошқа фойдали натижа олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига киритиладиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлардир”⁶ деб таъриф берилган.

Қонун ҳужжатларда эса “инвестициялар — иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”⁷ дир деб белгиланган.

Инвестициялар турли соҳаларда кенг тарқалгани сари унинг турлари ҳам кўпайиб боради. Инвестицияларларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган турлари ҳар хил бўлиб, экспорт-импорт жараёнларида асосан мамлакат ҳудудига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри ва давлат кафолати остидаги ҳорижий инвестициялар ҳақида жуда кўп сўз боради.

Бунда, тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар икки субъект ўртасида тузилиб, ўртада ҳеч қандай 3 субъектнинг бўлишини талаб

⁴Толковый словарь иностранных слов. Составитель Н.Николаева.-М.:1997,с.143-144.

⁵ Инвестиции: Системный анализ и управление. Под ред. проф. К. В. Балдина.- 2-ое изд. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К^о”, 2007.- 8 с. (288с.)

⁶ Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-ое изд.- СПб.: Питер, 2009. -19с. (384с.)

⁷«Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 24 декабр 1998 йил,719-И-сон, 2-модда.

қилмайди ва инвестиция киритаётган субъект барча харажат ва рискларни ўз бўйнига олган холда мамалакатга инвестиция киритади.

1-жадвал

Инвестиция лойиҳаларининг туркумланиши

Инвестиция лойиҳа туркумлари	Инвестиция турлари	
Объектига кўра	реал	моддий ва номоддий
	молиявий	спекулятив
		<ul style="list-style-type: none"> • валюта; • қимматбаҳо тошлар; • қимматлиқо қоғозлар.
		узоқ муддатли
Мулк шаклига кўра	хусусий	ўз маблағлари ҳисобидан
	давлат	давлат маблағлари ҳисобидан
	хорижий	чет эл юридик шахслари маблағлари ҳисобидан
	аралаш	Юқоридаги давлат, хусусий ва хорижий маблағларнинг бари иштирок этиши мумкин
Муддатига кўра	қисқа	1 йилгача
	ўрта	1-3 йил
	узоқ	3-5 йилдан юқори
Минтақага кўра	ички	мамлакат ичидаги маблағлардан
	ташқи	мамлакат ташқарисидаги маблағлардан
Риск даражасига кўра	агрессив	рискка ўта сезгир
	мўтадил	рискка ўрта сезгирликдаги
	консерватив	риск даражаси таъсири жуда паст
Асосий мақсадига кўра	тўғридан-тўғри	барча мажбурият 2 инвестиция иштирокчилари зиммасига тушади
	портфел	акция, облигация ва ҳк.лар олди-сотдиси
	интеллектуал	ҳодимлар таълими, малакаси билан боғлиқ инвестициялар

Манба: Царев В.В.нинг “Оценка экономической эффективности инвестиции” (СПб.: Питер, 2004. -2004. 23-28 с.)асари асосида ва www.glossary.ru (инвестициялар туркумланиши) электрон манбаси асосида тузилди.

Умуман, инвестицияларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

Шунингдек, қонун ҳужжатларда инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади⁸.

Қолаверса, бошқа адабиётларда инвестициялар катта уч гуруҳга, яъни

- физик активларга қилинадиган инвестициялар (моддий инвестициялар);
- номоддий активларга қилинадиган инвестициялар;
- пул активларига қилинадиган инвестициялар (молиявий инвестициялар) га ажратилган.⁹

Инвестицияларнинг туб моҳияти, турлари ва туркумларини кўриб чиққан ҳолда инвестицион лойиҳалар тушунчасини таҳлил қилиш мумкин.

Инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.¹⁰

Инвестицион лойиҳаларни йўналиши ва мақсадига кўра:

- ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион лойиҳалар;
- илмий-техник инвестициялар;
- тижорат инвестицион лойиҳалар;
- молиявий инвестицион лойиҳалар;
- экологик инвестицион лойиҳалар;
- иқтисодий-ижтимоий инвестицион лойиҳаларга бўлиш мумкин.

Инвестицион лойиҳа кичик ҳажмда, яъни Бизнес режа кўринишида намоён бўлиши мумкин. Мамлакатимизда агар инвестицион лойиҳалар марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилса, яъни давлат

⁸ «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 24 декабр 1998 йил, 719-И-сон, 3-модда.

⁹ Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Мухамеджанова Г.Я.. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма).-Т., ТДИУ, 2006й., 5-б.

¹⁰ «Инвестицион лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида» ЎзР ВМнинг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорининг 1-илоvasи, Умумий қоидалар, 3-банд.

аҳамиятига эга бўлса инвестицион лойиҳа техник-иқтисодий асоснома асосида амалга оширилади. Одатда бундай лойиҳаларда давлат улуши 50%дан ва корхона устав фонди 10 миллион АҚШ доларидан юқори бўлади. Шунингдек молиялаштириш манбасидан қатъий назар, стратегик қазилма бойликларни топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаб чиқаришни назарда тутувчи ва қиймати 10 миллион АҚШ доларидан юқори инвестицион лойиҳалар ҳам стратегик лойиҳалар ҳисобланиб техник-иқтисодий асоснома асосида амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- инвестицион ғояни шакллантириш (бу амалда бизнес режа ғояси ёки инвестицион таклиф кўринишида амалга оширилади ва лойиҳаолди ҳужжатлари ва ДТИА/ДТИХ тузиш билан бошланади);
- инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш (асосан маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади);
- лойиҳани техник-иқтисодий асослаш (ТИА/ТИХ ишлаб чиқиш билан амалга оширилади);
- лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш (лойиҳа ДТИА/ДТИХ ва ТИА/ТИХ ҳужжатлари);
- лойиҳа смета ҳужжатлари (лойиҳа ишчи ҳужжатлар)ни тайёрлаш;
- тендер танловларини ўтказиш, тасдиқлаш ва шартномалар тузиш;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;
- лойиҳа амалга оширилишини мунтазам мониторинг қилиб бориш.

Қуйида юқоридаги баъзи терминлар изоҳи келтирилган:

- “лойиҳа олди ҳужжатлари — қабул қилинган параметрларга кўра лойиҳани амалга оширишнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек унинг ҳаётийлигини асослаб берувчи ҳужжатлар йиғиндиси. Лойиҳаолди ҳужжатларига лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоблаши), материаллар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш, қурилиш-монтаж ишларини ва ишларнинг бошқа турларини бажариш

юзасидан тендер ўтказиш учун танлов ҳужжатлари; лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асослаши ёки техник-иқтисодий ҳисоблаши, шунингдек молиявий таклифлар ва/ёки кредит ва инвестиция шартномалари (пул маблағлари жалб этилган тақдирда) киради;

- дастлабки техник-иқтисодий асослаш ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ДТИА ёки ДТИХ деб аталади) — вариантларни кўриб чиқиш асосида лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни, умуман лойиҳанинг чекланган қийматини, шу жумладан, технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи, уни молиялаштиришнинг мумкин бўлган манбалари бўйича вариантларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгиловчи ҳужжат;

- якуний техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ТИА (ТИХ) деб аталади ва унинг наъмунавий таркиби — инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг танлов савдолари асосида ва лойиҳани молиялаштириш шартларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган якуний, энг самарали техник, ташкилий ва молиявий-иқтисодий ечимларини белгиловчи лойиҳаолди ҳужжати;

- ишчи лойиҳа — чекланган қиймат ва иш ҳужжатларига эга бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисмдан иборат ҳужжат...»¹¹

Хусусан, бу ерда ДТИА ва ДТИХ нинг ўзаро фарқли томонларини айтиб ўтиш муҳимдир. ДТИА асосан йирик масштабдаги ва кўп холларда ижтимоий соҳани инвестициялашни ўзида акс эттирмаган лойиҳаларни амалга оширишда тузиладиган лойиҳаолди ҳужжати бўлса, ДТИХ эса ўз навбатида кичик кўламдаги ва ижтимоий соҳага йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ишлаб чиқиладиган ҳужжат ҳисобланади.

¹¹«Инвестицион лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида» ЎзР ВМнинг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорининг 1-илоvasи, Умумий қоидалар, 3-банд.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, хорижий капитал ҳисобига ижтимоий соҳа муассаларини реинвестиция қилиш ёки реконструкция қилишда ДТИА/ДТИХни тузиш талаб этилмайди. Шунингдек, ДТИХ ДТИА бандларининг баъзиларининг кўрсатилмаслиги билан фарқ қилади. Бунда ДТИАда тўлиқ тарифи келтирилган “А” ва “Б” иловалар лойиҳа ДТИХсида келтирилмайди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялашда, замонавий бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ва рақобатбардош корхоналарни ташкил этишда инвестициялар таянч вазифани ўтайди. Бу борада ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов ҳам “Инвестиция мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади”¹² деб таъкидлаганлар. Инвестициялар иқтисодий ўсшнинг асосий омилларидан бири эканлигини қуйидаги маълумотлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзгариши билан биргаликда инвестиция фаолияти ҳам ривожланиб, ўзгача хусусият касб этмоқда. Ҳукумат самарали инвестиция сиёсатини олиб боришга қаратилган кўпгина амалларни бажармоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, иқтисодий ислоҳотларни чуқур амалга ошириш инвестиция фаолиятини самарали юритиш билан асосланиши мумкинлиги исботланди. Амалиётга киритилаётган инвестицияларнинг миқдорига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида атрофлича хулосалар чиқариш мумкин. Шундай экан, иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш йўлида ҳукумат кучли инвестиция сиёсатини юритиши лозим.

¹² Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 1998 йил якунлари ва 1999 йил иқтисодиётнинг утувор йўналишлари. Халқ сўзи, 1999 йил, 17 феврал.

Иқтисодиётда самарали инвестиция сиёсатини амалга оширишда, аввало, мамлакатдаги инвестиция фаолиятига қаратилган қонунчилик асослари инвесторлар учун мақбул бўлиши даркор. Республикамизда инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган кўпгина меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, қуйида улар борасида бироз тўхталиб ўтамиз.

Мавжуд иқтисодий ресурслардан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида ҳар қандай мамлакат ўзининг инвестиция сиёсатини юритгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам инвестиция сиёсатига бекиёс эътибор қаратилади. Бу борада ҳар йили иқтисодиётда инвестицион жараёнга оид маълум дастур ва лойиҳалар тузилади.

Мамлакат иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, ҳукуматнинг марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, иқтисодий ўсиш учун муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини маъқуллашга қаратилган механизм инвестиция сиёсатини шакллантиради. Ҳукумат ушбу сиёсатни амалга оширишда устуворликни кўпроқ кичик бизнес субъектларини янада ривожлантириш ҳамда чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантиришга қаратмоқда.

Ҳозирги кунда ҳукуматнинг инвестиция сиёсатини юритишдаги устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар белгиланган:

- мақсадга мувофиқ инвестиция сиёсатини амалга ошириш;
- инвестиция фаолиятини яхшилаш ва ушб фаолият иштирокчиларининг фаоллигини кучайтириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;
- инвестиция фаолиятига оид ижобий меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш;
- ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада либераллаштириш.

1.2. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни баҳолаш услублари

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш барпо этилаёган объект ёки амалга оширилиши кутилаёган ишларни ҳар томонлама изчил таҳлил қилишдир. Инвестицион лойиҳаларни ҳар томонлама баҳоланган кўрсаткичи эса инвестицион лойиҳаларнинг энг асосий ҳужжати бўлган ДТИА/ДТИХ ва ТИА/ТИХда ўз аксини топади. Хусусан, Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларда қатъий белгиланган лойиҳа ҳужжатлари таркиби мавжуд бўлмасда, унда қуйидагилар ифодаланиши лозим:

- резюме (лойиҳанинг қисқача мазмуни);
- лойиҳанинг асосий ғояси ва шарт-шароитлари;
- бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси;
- ресурслар билан таъминланганлик;
- инвестиция объектининг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳит;
- лойиҳалаштириш ва технология;
- корхонани ташкил қилиш ва устама харажатлари;
- меҳнат ресурслари;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнини режалаштириш;
- молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолаш¹³.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса инвестицион лойиҳа ТИАсида лойиҳа асосий 15 та кўрсаткич асосида баҳоланади, улар қуйидагилардир:

- лойиҳанинг мақсади (резюме);
- лойиҳанинг буюртмачиси;
- лойиҳа стратегияси (лойиҳани яратиш тарихи ва шарт-шароитлари);
- маркетинг бозори ва концепцияси;
- моддий ресурслар;
- объектнинг жойлашган жойи;

¹³ А.С. Жўраев, Д.Ю. Хўжамқулов, Б.С. Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув кўлланма/ акад. М. Шарифхўаев таҳрири остида.-Т.: “Шарк”, 2003. -476.

- лойиҳалаштириш ва технология;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар;
- меҳнат ресурслари;
- лойиҳани амалга ошириш схемалари;
- лойиҳани амалга ошириш вариантларини молиявий баҳолаш;
- хулосалар;
- «А» иловада миллий ва хорижий валюта харажатини алоҳида акс эттирган ҳолда эркин шаклда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар схемалари;
- «Б» иловада тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари¹⁴.

Лойиҳа ТИА сининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари лойиҳа қиймати, капитал қўйилмалар қиймати, яратилаётган фондлар қиймати, инвестициянинг қопланиш муддати, қарз олинган маблағларнинг қайтарилиш муддати каби молиявий кўрсаткичларни қамраб олар экан, инвестицион лойиҳаларни баҳолашда молиявий баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги кўрсаткичларни баҳолашда аналитик, математик ҳамда вақт параметрларига асосланган тизимлардан фойдаланилади. Тез-тез қўлланилувчи ва маълум қонуният ҳамда формулаларга асосланувчи инвестицион лойиҳаларни баҳолаш усуллари «вақт параметрларини ҳисобга олиш олинмаслигига қараб»¹⁵ икки гуруҳга ажратиб ҳисобланади:

- дисконт усул;
- нодисконт усул.

Бунда дисконлаш тушунчаси кўп ҳолларда фоиз ёки инфляция тушунчаси билан бирлаштирилади, яъни бир лойиҳадан келажакда

¹⁴ “Инвестицион лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорининг 5-илоvasи.

¹⁵ Карлибаева Р.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш -Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.- 54б.

олинадиган пул тушумларининг ҳозирги ҳолати, миқдорини аниқлашда ишлатиладиган тушунча сифатида фойдаланилади.

2-жадвал

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни дисконтлаш усуллари

Дисконтлаш усуллари номланиши	Ҳисоблаш тартиби	Дисконтлаш усулида ҳисоблашга наъмуна
NPV (Net Present Value) - Соф жорий қиймат	$NPV = \frac{CF_1}{(1+k)^1} + \frac{CF_2}{(1+k)^2} + \dots + \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0 =$ $\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0$ бу ерда CF_t – давр охирига келиб тушган пул оқими, k – дисконтлаш ставкаси, I_0 – бошланғич инвестиция.	I_0 (дастлабки инвестиция) - -1 млн долл., дисконтлаш ставкаси (k) – 10 % 1-йил CF - 300 минг долл. 2-йил CF - 450 минг долл. 3-йил CF - 420 минг долл. 4-йил CF - 400 минг долл. $NPV = \frac{300000}{(1+0.1)^1} + \frac{450000}{(1+0.1)^2} + \frac{420000}{(1+0.1)^3} + \frac{400000}{(1+0.1)^4} - 1000000 = 233400 \text{ долл}$
PI (Profitability Index) - (Инвестиция -нинг) рентабеллик индекси	$PI = \left[\sum_{t=1}^n \left(\frac{CF_t}{(1+k)^t} \right) / I_0 \right] * 100\%$, бу ерда $I_2 - t$ йилдаги инвестициялар.	$PI = \frac{\frac{300000}{(1+0.1)^1} + \frac{450000}{(1+0.1)^2} + \frac{420000}{(1+0.1)^3} + \frac{400000}{(1+0.1)^4}}{1000000} * 100\% = 12,3\% \text{ ёки } 1,2$

Манба: Жадвал Карлибаева Р.Х. :Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш ва А.С. Жўраев, Д.Ю. Хўжамкулов, Б.С. Маматов: Инвестиция лойиҳалари таҳлили ўқув кўлланмалари асосида тузилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лойиҳани ҳисоб-китобини ва келгуси амалга оширишда IRR кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади. IRR кўрсаткичи даражаси қанчалик паст бўлса, инвесторнинг лойиҳага бўлган қизиқиши шунча ортади.

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни дисконтлаш усуллари

IRR (Internal Rate of Return) - Фойданинг ички меъёри	$IRR = k_1 + \frac{NPV(k_1)}{NPV(k_1) - NPV(k_2)} * (k_2 - k_1)$, бу ерда k_1 ва k_2 икки ораликдаги дисконтланган фоиз ставкалари ($k_1 < k_2$), $NPV(k_1)$ ва $NPV(k_2)$ шу фоизларда ҳисоблаб чиқилган соф жорий қиймат. Бунда $\sum_{t=1}^n \left(\frac{CF_t}{(1+IRR)^t} \right) = I_0$ ни таъминлаши керак.	$IRR = 10\% + \left[\frac{\frac{300000}{(1+0.1)^1} + \frac{450000}{(1+0.1)^2} + \frac{420000}{(1+0.1)^3} + \frac{400000}{(1+0.1)^4}}{\left(\frac{300000}{(1+0.1)^1} + \frac{450000}{(1+0.1)^2} + \frac{420000}{(1+0.1)^3} + \frac{400000}{(1+0.1)^4} \right) - \left(\frac{300000}{(1+0.12)^1} + \frac{450000}{(1+0.12)^2} + \frac{420000}{(1+0.12)^3} + \frac{400000}{(1+0.12)^4} \right)} \right] * (12\% - 10\%) = 10,4\%$
DPP (Discounted Payback Period) - Дисконтланган инвестиция қопланиш муддати	$DPP = \frac{I_0}{DCF}$, бунда DCF (discounted cash flows) – дисконтланган пул тушумлари, $DCF = \frac{CF_1}{(1+k)^1} + \frac{CF_2}{(1+k)^2} + \dots + \frac{CF_t}{(1+k)^t}$	$DPP = 1000000 / \left[\frac{300000}{(1+0.1)^1} + \frac{450000}{(1+0.1)^2} + \frac{420000}{(1+0.1)^3} + \frac{400000}{(1+0.1)^4} \right] = 0.81$, бу лойиҳа қопланишини билдириб, қопланиш муддати 3 йил эмас (300000+450000+420000) балки 4 йил эканлигини исботлайди $\left(\frac{300000}{(1+0.1)^1} + \frac{450000}{(1+0.1)^2} + \frac{420000}{(1+0.1)^3} + \frac{400000}{(1+0.1)^4} = 1233.4 \right)$ минг долл).

Манба: Жадвал Карлибаева Р.Х. :Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш ва А.С. Жўраев, Д.Ю. Хўжамкулов, Б.С. Маматов: Инвестиция лойиҳалари таҳлили ўқув қўлланмалари асосида тузилди.

Юқорида бу кўрсаткични ҳисоблаш анча вақт талаб этиши мумкин, шунинг учун уни ҳисоблашни электрон усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда MS Office дастурининг MS Excel файлига кириб дастлабки инвестиция ва инвестиция амалга оширилиши кўзда тутилаётган даврлардаги пул тушумларини кетма-кетликда устунларга ёзиб чиқилади.

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни баҳолашнинг нодисконт усуллари

Нодисконт усуллари нинг номланиши	Ҳисоблаш тартиби	Нодисконт усулида ҳисоблашга наъмуна
PP (Payback Period) – инвестициянинг қопланиш муддати	$PP = \frac{I_0}{CF}$, бунда CF - 1 йилдаги пул тушуми бўлиб, колган йилдаги пул тушумлари 1-йилдагиси билан бир хил бўлганда қўлланади.	PP \Rightarrow 3 йил $(300000_{1й} + 450000_{2й} + 420000_{3й}) > 1000000_{I_0}$ Аниқ PP \Rightarrow 2,6 йил (2-3 йиллар оралиғида) 1) $1000000_{I_0} - (300000 + 450000) = 250000$; 2) $250000 / 420000_{3й} = 0.6$ йил
ARR (Accounted Rate of Return) – инвестициянинг самарадорлик коэффициенти	$ARR = \frac{ACI_t - AA_t}{AI}$, бунда ACI – ўртача йиллик пул тушумлари, AA _t – ўртача йиллик амортизация, AI ((дастлабки инвестиция - қолдиқ қиймат)/2) – ўртача йиллик инвестиция.	$ARR = \frac{\left[\frac{(300000 + 450000 + 420000 + 400000)}{4} - \frac{1000000}{4} \right]}{(1000000 - 0 \text{ қ.қ.})/2} = 0.29$ ёки 29%

Манбаа: Карлибаева Р.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. Тошкент 2005. 47-бет.

Эътибор бериш керакки, дастлабки инвестиция суммаси "-" ишораси билан ёзилиши керак. Кейин бошқа ячейкага тенглик белгисини босган ҳолда ойнанинг юқори чап тарафидан мавжуд функциялар ичидан “ВСД (внутренняя стоимость доходности)” функцияси танланади ва пайдо бўлган ойнанинг “значение” қисмига устунларга киритилган барча суммалар (дастлабки инвестиция миқдори ва пул тушумлари)ни белгилаб киритилади

ва “ОК” тугмаси босилади. Натижада, вақтни қисқартирган ҳолда аниқ ички фойда меъри кўрсаткичини (%ларда) олиш мумкин.

Шунингдек, лойиҳанинг асосий таваккалчиликларга сезгирлиги яъни риск даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда лойиҳаларни амалга оширишда қуйидаги риск турлари туркумланади:

- техник-технологик рисклар;
- маркетинг рисклари;
- молиявий рисклар;
- лойиҳа қатнашувчилар рисклари;
- ижтимоий рисклар;
- сиёсий рисклар;
- юридик рисклар;
- экологик рисклар;
- қурилиш рисклари;
- форс-мажор рисклар.¹⁶

Рискларни математик ҳисоблашда энг кўп учрайдиган риск ҳисоблаш турлари бу рискка сезгирлик таҳлили, сценарийлар таҳлили в Монте-Карло методи бўйича рискларни имитацияли моделлаштириш усуллари ҳисобланиди. Биринчи тур риск баҳолаш турида ҳар гал фақат бир тур омил ўзгаради ва у асосида ҳисоблашлар амалга ошрилади. Кейинги усул, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, зарарсизлик таҳлилида барча сотиш нархлари, тушум ва хатто бир хил ишлаб чиқариш харажатлари асос қилиб, кўпол ҳисоблашлар асосида ишлаб чиқарилади. Бу таҳлили ҳисоблашда қуйидаги тенгликдан фойдаланилади.

$$PQ^* = VQ^* + C$$

бунда, P-махсулот сотиш нархи, Q*-зарарсизлик нуқтаси, V-махсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар, C-махсулот бирлигига доимий харажатлар.

¹⁶ Грачева М.В. Анализ проектнх рисков: Учеб. Пособие для вузов. – М.: ЗАО “Финстатинформ”, 1999. -26-33, 55-60(216 с.)

Кейинги усул асосан электрон ҳисоблаш тизимига лойиҳа маълумотларини киргизиб уларни ўтган йилга солиштириш орқали ифодаланади, бунда MS Excel дан фойдаланиш анча қулайлик яратади.

Юқоридаги ҳисоблашлар инвестицион таҳлилнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш қисмларида ўз аксини топади ва инвестиция таъсисчилари (улар учун ТИАни лойиҳа институтлари ишлаб чиқадилар) бу кўрсаткичларни турли шаклда тақдим этадилар.

1.3. Давлатнинг инвестицион дастурлари ва уларнинг иқтисодиётдаги роли

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш иштирокчиларига солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилади. Ҳар бир алоҳида инвестиция лойиҳаси бўйича ёки умуман Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури бўйича бериладиган имтиёзларнинг аниқ рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Инвестиция дастури - бу республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари кабилардан оқилона фойдаланиш йўли билан республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-табдирлар комплекси.

Ўзбекистонда инвестиция дастурининг устуворликларини белгилашда ва мамлакатимизга чет эл капиталини жалб этишда давлатнинг устуворлиги сақланиб келинмоқда. Биринчи босқичда (1991 - 1994 йиллар) ислохотлар

сиёсатида кенг инвестициялар дастури ва давлат корхоналарига марказлаштирилган кредитлар ажратиш назарда тутилди, бу эса каттагина бюджет такчиллигига олиб келди. Иккинчи босқичда (1995 - 2003 йиллар) ислохотлар сиёсати бюджет бошқарувини кенгайтиришга қаратилган қатъий молия сиёсати билан ажралиб турди.

Ислохотларнинг учинчи босқичида (2003 - ҳозирги йиллар) савдо ва валюта чекланшарининг либераллашуви, очиқ валюта курсининг жорий қилиниши, молия секторини ислоҳ қилиш, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, импорт қатъий чеклашларнинг жорий қилиниши билан тавсифланди. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида савдо, валюта чеклашларини эркинлаштириш ва солиқ ислохотларини ўтказиш қишлоқ хўжалиги ва молия секторини ислоҳ қилиш йирик корхоналарни хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш, иқтисодий монополиядан чиқариш ва яшашга қобил давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш ҳамда зарар кўриб ишлайдиганларни тугатиш ва бошқаларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шу билан бирга, инвестиция дастури лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда 3 йиллик даврга шакллантирилади.

Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва

кредитларни жалб этиш, шунингдек, лойиҳаларни танлаб олиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни ва фаолият соҳаларни қўллаб-қувватлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш) биринчи навбатда, молиялаштириш;

- минерал хом ашё ресурсларини ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошлик даражасига етказишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- таркибий ўзгаришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш;

- инвестиция лойиҳаларни инвестиция дастурининг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;

- илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни, биринчи навбатда, ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан, экспортга йўналтирилганлик, бутловчи буюмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу кабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

Инвестиция дастурида лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиши ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж,

молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштириб боради.

Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва уни кредитлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида кўрсатилган тартибга асосан амалга оширилади. Унга мувофиқ инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал кўйилмалар лимитлар доирасида қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Молия Вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир. Устувор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Биринчи устувор йўналиш - оммавий турар жой қурилиши; Иккинчи устувор

йўналиш - замонавий коммуникация воситалари, транспорт ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, транспорт ва информация тармоқларини яратиш ва модернизация қилиш;

Учинчи устувор йўналиш - юқори технологиялар. Юқори технологик ва жаҳон бозорларида рақобатбардош, импорт молларининг ўрнини боса оладиган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

Туртинчи устувор йўналиш - захираларни тежовчи экологик тоза технологиялар. Минерал бойликларни ер остидан қазиб олиш ва табиий хом ашёни тулик ва комплекс қайта ишлаш учун энг янги фан - техника ютуқларидан фойдаланиш;

Бешинчи устувор йўналиш - фермерлик ва деҳқон хўжаликлари тармоғи, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоқлаш, транспортировка қилиш, сотиш ва шифобахш кўшилмалари бўлган экологик ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича андозаларга амал қилган ҳолда назорат қилиш технологиясини ўзлаштириб олган қайта ишловчи ва савдо корхоналарнинг кўмаги асосида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"¹⁷ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари тасдиқланди.

Дастурнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва худудий ўзгаришига ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳд объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогноз л аштирилган натижалари ҳисоб-китоб килинади.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 ноябрдаги 1855-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори. 2012 й., 11-сон, 326-модда.

Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

Ҳар бир лойиҳа (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот буюртмачи томонидан тайёрланади ҳамда унда қуйидагилар булади:

- белгиланган шаклдаги лойиҳа паспорти;
- лойиҳани амалга ошириш режа-жадвали;
- аниқ дастурни шакллантириш санасида лойиҳани амалга оширишнинг ҳолати тўғрисидаги батафсил ахборот - муҳитга таъсирини баҳолашни;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳозаларга кўра самарадорликни ва амалга ошириш имкониятларини баҳолашни, ташкилий тадбирларнинг куламини;
- маҳсулотга талаб ҳажми ва хусусиятини;
- ечимнинг муқобил вариантлари мавжудлигини, шу жумладан, фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан ;
- асосий материаллар ва ишчи кучи ресурсларининг мавжудлигини;
- инвестиция харажатларини миқдорини ўзига олади.

Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устуворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

- лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;
- молиявий ва иқтисодий самарадорлик;
- маҳдллий хом ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;
- тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги;
- лойиҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;
- ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

Хар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистан Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий узгартиришлар прогнозига мувофиқ қушимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

- тармоқ (минтақа) нинг истикболдаги прогноз узиш суръатлари; ;
- экспорт салоҳиятининг прогноз узиш суръатлари;
- илгари қуйилган инвестициялар самарадорлиги;
- асосий фондлар аҳоли ва қувватларидан фойдаланиш даражаси;
- лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

Иккинчи босқичда танлаб олиш натижаларига қура дастурга киритилган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари хар йили аниқдаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларни бир қисми янги лойиҳаларда алмаштирилиши мумкин.

Дастурнинг йигма рўйхатига вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мулкчилик шаклларида катъий назар корхоналар ва ташкилотларнинг устувор инвестиция таклифлари киритилади.

Инвестиция Дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

- дастурни амалга оширишнинг 1 йилига келгуси йиллар лойиҳа қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади;

- дастурни амалга оширишнинг 2-йилига унга келгуси йиллар лойиҳа қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан утувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати ва дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа

хужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилида танлов савдоларига куйиладиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

- дастурнинг амалга оширишнинг учинчи йилида унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кура белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан угувчи қурилишларининг прогноз рўйхати, лойиҳа хужжатлари иккинчи йилдан тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади.

II БОБ. Ўзбекистонда давлат томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳолати таҳлили

2.1. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари

Мамлакатда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини оширишда инвестиция дастурларининг ижобий бажарилиши катта аҳамият касб этади. Бу борада Ислом Каримов қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтдилар: “Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.”¹⁸

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ривожланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1-босқич 1991-1994 йиллар, 2-босқич: 1995-2003 йиллар; 3-босқич: 2003 й. – ҳозирги давр.

1-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- турли мулкчилик шакллари яратиш борасидаги инвестицион жараён номарказлаштириш тадбирлар амалга оширила бошланди;
- хусусий молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди;
- хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.

2-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилди;
- танлов асосида лойиҳаларни молиялаштиришга ўтилди;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди;

¹⁸ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

- иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритилиши кучайтирилди;

- инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди.

3-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва режалаштирилган;

- валюта муносабатлари ва операциялари либерализациялаштирилмоқда;

- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда;

- корхоналарнинг техник қуроллантирилиши кучайтирилмоқда;

- экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик берилмоқда.

1995 - 2005 йилларда асосий капиталга қуйилган инвестиция маблағлари ҳажмида саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган молиявий ресурслар улуши ошиб борган. Гарчи, жадвал маълумотларида саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи капитал маблағлардаги улуши мустақиллик йилларида пасайган бўлсада унинг мутлак ҳажми узиш тенденциясига эга. Бу нафакат ички маблағлар ҳисобига, балки хорижий инвестициялар таъсирида ҳам амалга ошди. Бугунги кунгача мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг 2/3 қисми саноат ишлаб чиқаришга тўғри келади. Мисол учун, 2003, 2004 ва 2005 йилларда асосий капиталга қуйилган хорижий инвестицияларнинг мое равишда 46,5, 39,0 ва 48,2 фоизи саноат тармоғига йўналтирилгандир.

Мамлакат иқтисодиётини, хусусан саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодий узишга эришишда, инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса уз урнида мамлакат ички ва ташқи инвестиция маблағларининг иқтисодиёт сектори бўйича тақсимоотида тўғри йўналишни белгилаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи

назардан, мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаб берувчи кўрсаткичлар ва уларнинг тизимлари талайгина. Улар ичида ҳисобланиши нуктаи назаридан қулай бўлган ICOR кўрсаткичидан, мамлакатимиз иқтисодиётига, умуман, реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқдашда фойдаланамиз.

Инвестиция мухитини яхшилашга қаратилган юқорида қайд этилган бир қатор ишлар амалга оширилади тизимли равишда, бугунги кунга қадар давлат қарорлари асосида жойлаштирилган хорижий инвестициялари ва кредитларнинг салмоғи жами ташқи инвестицияларга нисбатан 80 - 85 фоизни ташкил қилмоқда.¹⁹

Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда беvosита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу сабабли, тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилиш учун имтиёзлар тизимини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;
- хорижий инвестицияларни сугурталашнинг самарали механизмни яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

¹⁹ Ҳошимов К.Б. Чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Т.:М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. 2004. дисс. Автореферат. 9-б.

- иқтисодийнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

- биржа бозорида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодийга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йўналишга таянади:

1) солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;

2) маблағларни давлат бюджета ва бюджетдан ташқари фондлар орқали тушлаш ва давлат инвестиция дастурларини амалга ошириш. Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инобатга олинмоқда ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинмоқда.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун маъсул бўлган давлат ташкилоти бу Молия вазирлигидир. Айнан Молия вазирлиги бошқа давлат ташкилотлари, органлари, банклар ва компаниялар билан ҳамкорликда Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширади ва бошқариб боради.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Иқтисодийнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим

тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш.

- Бизнес, жумладан хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириш.

- Хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтириш.

- Иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлаш.

- Банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш.


Мамлакатда бозор ислохотлари даврида иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва шундан кейин барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида уни инвестициялаш учун молиявий ресурслар жуда кам деган тасаввурлар билан ҳаракат қилиш нотўғридир. Вужудга келган шароитда аралаш иқтисодиётга хос бўлган барча молиявий ресурсларни аниқлаш ҳамда уларни инвестиция мақсадларига хизмат қилдириш усуллари ва йўлларини топиш муҳим.

2.2. Ўзбекистонда бажарилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ҳолати таҳлили

Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлашга асос бўлмоқда. 2012 йилда мамлакатда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларисидаги эквивалент ҳажми 11,7 миллиард долларни ёки 2011 йилга нисбатан 114 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг январ-декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 23,679 трл.сўмга тенг бўлди.

Чизмада республика иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар хажмини ўсиб бориш тенденциясини кўриш мумкин. Бунга кўра, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бўлишига қарамадан, мамлакатда олиб борилган кучли инвестиция сиёсати натижасида 2010 йилда ўтган йилга нисбатан 9,2 %га ўсиш кузатилди.



1-чизма. Ўзбекистон Республикасида 2006-2012 йилларда инвестициялар суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)²⁰

Мамлакатга киритиладиган инвестициялар миқдори барқарор равишда ўсиб бораётгани Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция фаолиятининг қанчалик даражада тўғри юритилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар миқдори 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсган бўлса, 2010 йилда 9,2 фоизга, 2011 йилда эса 12,6 фоизга ўсди.

Республикада амалга оширилаётган қизгин инвестиция сиёсати натижасида 2012 йилда бу ўсиш темпи 14 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳамда шу билан бир қаторда аҳоли даромадларини оширишга ижобий тарзда таъсир ўтказди.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида

**Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий
параметрлари²¹ (млн. сўм)**

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши (сўм эквивалентида)	1 376 130 171 750	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: Қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши учун имтиёзли кредитлари	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

²¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

Жадвал маълумотларига кўра 2011-2012 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори мамлакат ЯИМСининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этиб келмоқда. Умумий ҳисобда 2011 йилда мамлакат иқтисодиётига 20,7 трл сўм маблағ йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб қарийб 4 трл сўмга кўпроқ миқдорни ташкил этди.

Агар ушбу маълумотларни тақсимотига эътибор қаратадиган бўлсак, мустақиллик йиллари бошига нисбатан иқтисодиётга ишонч сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Бу фикрнинг исботи марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар пропорциясида яққол кўриниб туради. Бу ҳол мустақиллик йилларининг бошларида эса тескари кўринишга эга эди.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган демократик давлат тузиш пайида эканмиз бюджет маблағларининг катта қисми шу соҳага йўналтирилиши тайин. Айнан шу маънода бюджет маблағларининг 1 трл сўми ёки 4,5 фоизи иқтисодиёт соҳасига инвестиция сифатида йўналтирилган бўлиб, бу ҳол 2005 йил бюджетнинг 12,7 фоизидан иборат эди.

Умумий инвестициялар таркибида қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари улуши ҳам талайгина суммани шакллантирмоқда. 2012 йилнинг ўзида бу мақсадда давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар 300 млрд сўмдан ортиқ бўлган бўлса, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан эса, 222 млрд сўмдан кўп миқдорда инвестициялар йўлланди.

Инвестиция дастури бўйича мамлакатга киритилган марказлашмаган инвестициялар миқдори қарийб 18 трл сўм бўлиб, шундан 6,8 трл сўми корхона маблағларидан, 4,3 трл сўми тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар маблағларидан ҳамда 3,2 трл сўми аҳоли маблағларидан ташкил топди. Бунда эътиборли жиҳати шуки, хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизга ишончи йилдан йилга ортиб бормоқда, яъни 2011 йилга нисбатан 2012 йилнинг ўзида хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобига киритилган инвестиция ва кредитлар миқдори қарийб 500 млрд сўмга кўпайган.

Қуйидаги келтирилган жадвал маълумотларидан 2005-2012 йилларда инвестицияларнинг молиявий манбалар таркибининг ўзгариш динамикаси ҳамда 2011 йилда унинг прогноз кўрсаткичини кузатиш мумкин. Унда, чет эл инвестицияларининг жами инвестициялардаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётганини, яъни бу кўрсаткич 2005 йилда 19.2 фоизга тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 28,8 фоизни, 2012 йилда эса 25,5 фоизни шакллантирганини кўриш мумкин.

Корхона ва аҳоли маблағлари жамига нисбатан энг катта ўринни эгаллаб, 2008 йилда 53.9 фоизга, 2010 йилда 47,3 фоизга тенг бўлиб, бу ҳол 2011 йилда 49 фоизга, 2012 йилда 42,6 фоизга тенг бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, корхона ва аҳоли маблағларини инвестиция жараёнига жалб қилиш суръатлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

6-жадвал

2005-2012 йилларда инвестициялар таркибини ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Шунингдек, жадвал маълумотларига кўра, 2005 йилда давлат бюджетининг 12,7 фоизи иқтисодиётни инвестициялашга қаратилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 5,1 фоизга, 2012 йилда 4,5 фоизга тенг бўлди. Бу пасайиш тенденцияси, жадвал маълумотларига асосан, чет эл инвестициялари улушининг ўсиши ҳисобига рўй берди дейишга тўлиқ ҳақлимиз.

Қуйидаги чизмада мамлакатнинг маҳаллийлаштириш дастури бўйича киритилаётган инвестиция лойиҳалари динамикаси шакллантирилган бўлиб,

унга кўра 2010 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 5726,8 млрд сўм, 2011 йилда қарийб 7 трл сўм ҳамда 2012 йилда 8,7 трл сўмни шакллантирди.

Дастур доирасида экспорт ҳажми ҳам ошиб бораётганини 2.2.2-чизма маълумотлари орқали кўриш мумкин. Унга кўра, 2010 йилда 3,7 млрд доллар, 2011 йилда қарийб 1 млрд доллар ҳамда 2012 йилда 1 млрд доллардан биров кўпроқ миқдорни ташкил этди.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Бизга маълумки, саноатни янада ривожлантириш, иқтисодиётда унинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган таркибий туб ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарининг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сонли қарори мамлакатимизда саноат соҳаси тараққиётининг янги босқичга кўтарилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор асосида қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури “Республикамизда саноатни

ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва саноатда умумий қиймати қарийб 47,5 миллиард долларлик 519 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни ўз ичига олган. Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши яқин беш йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, унинг ялпи ички маҳсулот таркибида 2010 йилдаги 24 фоиз улушини 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлайди.

Машинасозлик, автомобилсозлик тармоғи, кимё, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати жадал ривожланиб, уларда ўсиш суръатлари икки баравардан ортади. Бунда саноат таркибида қайта ишлаш тармоқлари улуши, хусусан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан 2010 йилдаги 41 фоиз ўрнига 2015 йилда 49 фоизга кўпаяди.

Ўзбекистонда 2008 йилда ташкил қилинган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона давлатлараро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омилига айланиши лозим. Саноатни ривожлантириш дастурида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар, замонавий иситиш аппаратураси, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, маиший электр техника ҳамда алоқа воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 33 та янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган”²².

“Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонаси ташкил этилгандан бошлаб унинг ҳудудида қиймати 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ишлаб чиқариш бўйича 19 инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Бу ерда юқори технологиялар асосида USB-модемлар ва ТВ-қўшимчалар, электр қуввати электрон ҳисоблагичи, куч кабеллари, иситгич ва сувиситгич қозонлар, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2013 йилда

²²“Саноатга инвестицияларни жалб қилиш: амалиёт, қонунчилик, муаммолар ва ҳал этиш йўллари” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасидаги семинар материаллари. 15.06.2011. <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/other/3194>

ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқни ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизга кўпдир.

“Ангрен” ЭИЗда қисқа муддат ичида қиймати 44 миллион доллар бўлган 5 та инвестицион лойиҳа бўйича юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Булар орасида энергия тежайдиган диодли нур лампалари, турли диаметрдаги мис трубалари, кўмир брикети бор. Бундан ташқари, шакар ишлаб чиқарадиган ҳамда бошқа корхоналарни барпо этиш ишлари якунланди.

Тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўтган йили Жиззахда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ва унинг Сирдарёдаги филиали ташкил этилган эди. Ҳозирда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, ўтган йилнинг ўзидаёқ зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида умумий қиймати 6 миллион доллар бўлган 100 мингта мобил телефонларини ишлаб чиқариш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ем ишлаб чиқариш бўйича дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг яна бир муҳим секторларидан бири кимё саноати бўлиб, уни Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари таъминлайди. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси кимё саноатининг ривожланиш Дастури 30 лойиҳани ўз ичига олиб, уларнинг умумий қиймати 2,8 млрд. АҚШ доллариغا яқин. Бунда амалдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг модернизацияси билан бир қаторда мутлақо янги, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган корхоналарни тузишга эътибор қаратилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия саноатида ўнлаб янги йирик корхоналар барпо этилди. Иқтисодиётимизнинг янги тармоғи – ривожланган инфратузилмага эга автомобиль саноати ташкил этилди. Ушбу тармоқда

«GM», «MAN» ва «ISUZU» каби жаҳонда етакчи компанияларнинг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари татбиқ қилинган.

Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарор ва юксак суръатлар билан ривожлантиришда энергиянинг ноанъанавий турларидан фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. 2013 йил 22 ноябрда Тошкент шаҳрида Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидан қарийб 300 нафар халқаро молия институтлари, компания ва корпорациялар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этган Осиё куёш энергияси форуми олтинчи йиғилишининг ўтказилиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида энергия тежайдиган тизимларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу ва бошқа дастурий ҳужжатлар энергия истеъмоли соҳасида юзага келаётган қатор масалаларни ҳал этиш, ноанъанавий энергетика ресурслари, жумладан, куёш энергиясидан кенг кўламда фойдаланиш учун янги имкониятлар яратиш, куёш панеллари учун тегишли ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни саноатлаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг мураккаб маиший техника ишлаб чиқариш корхоналари истеъмолчиларга кўплаб турдаги маҳсулотларини таклиф этмоқда. Бу корхоналар ишлаб чиқараётган совутгич, чангютгич, газ плиталари, кир ювиш машиналари, турли техника воситалари, микротўлқинли ва электр мини-печлар ва бошқа маҳсулотлар бугунги талаб ҳамда халқаро сифат стандартларига жавоб беради.

2013 йил, айниқса, мамлакатимиз электр техника саноати учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда «Artel» бренди остида мобил телефон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда ўзбек тилидаги мобил телефон ишлаб чиқариш бўйича дастлабки лойиҳа “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таркибидаги “Infinity Electronics” қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилди. Лойиҳанинг биринчи босқичида истеъмолчиларга олти русумдаги мобил алоқа воситаси, жумладан, сенсор экранли учта “Adi5”, “Adi5 CDMA” ва “Komi3” смартфонлари, шунингдек, “U30”, “H35” ва “D83” телефонлари таклиф этилди.

Таъкидлаш жоизки, “Artel” бренди остида “Sport” русумидаги янги мобил телефон ва янги “Adi5S”, “Perfect1” смартфонлари замонавий технологик ускуналар ёрдамида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналар билан ҳамкорликда тайёрланмоқда. АҚШнинг “Motorola”, Жанубий Кореянинг “LG Electronics”, “Alcatel” Франция-Америка компанияси, Тайваннинг “MediaTek” ва “Foxconn” компанияси, “Rohde&Schwarz GmbH&Co KG” халқаро компаниялар гуруҳи шулар жумласидан. Янги маҳсулот алоҳида сифат хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, “Perfect1” смартфонни саккиз пикселли камера, тўрт ядроли процессор ва 1 гигабайт хотирага эга. Бу телефон Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган дастлабки шундай мосламадир.

Мамлакатимизда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш борасида амалга оширилаётган ислохотлар аҳолини истеъмол товарларига бўлган талабини тўлиқроқ қондириш эришилишини таъминламоқда. Масалан, тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж ва чарм-пойабзал саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2012-2015 йилларда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 2 августда 234-сонли қарори қабул қилинди.

2013 йилда 251342 дона автомобиль ишлаб чиқарилди (ўтган йилга нисбатан 4,8%га кўп), шу жумладан юк автомобилларини ишлаб чиқариш 36,9%га, енгил автомобиллари – 4,5%га, автобуслар – 3,3%га ўсди²³.

2013 йилда енгил саноат корхоналари томонидан 7955,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати 113,2%ни, тармоқнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 13%ни ташкил этди.

2.3. Давлатнинг маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини бажарилиш ҳолати таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятидан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш, унинг рақобатдошлигини ошириш, сифат жиҳатидан такомиллаштиришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёнидир. Айти пайтда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини

²³http://economics.uzreport.uz/news_r_115760.html.

беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши куйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб маҳаллий хомашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга ошириб келинмоқда. Дастурнинг асосий мақсадлари ва вазифалари ишлаб чиқаришни технология жиҳатидан янгилаш ва замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш мақсадидаги маҳсулотлар импортини қисқартириш, маҳаллий хомашёдан жаҳон стандартларига жавоб берувчи, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, шунингдек давлатнинг валюта сарф-харажатларини мақбуллаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш асосида саноатда таркибий қайта ўзгартиришлар ҳисобига иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланишини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда корхоналар ва хўжалик бирлашмаларининг ўз маблағлари, хорижий инвестицияларни, шунингдек тижорат банкларининг кредитларини кенг жалб этиш орқали маблағ билан таъминлаб келинмоқда.

Мамлакатдаги корхоналарни саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларига қизиқтириш, мазкур дастур асосида

фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2014 йилнинг 1 январигача:

- четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан;

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Ушбу имтиёзлар туфайли озод этиладиган маблағларни янги корхоналарни барпо этишга, кенгайтиришга, реконструкция ва модернизация қилишга, техник ва технологик қайта қуроллантиришга, сифат бошқаруви тизимларини жорий этишга, муҳандис-техник ходимларни рағбатлантиришга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштиришга ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтиришга йўналтириш зарур.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истагида бўлган корхоналар ўз лойиҳаларини Идоралараро Махсус комиссияга тақдим этиши ҳамда танловдан ўтиши лозим. Бунда мазкур дастурга киритиш учун лойиҳаларни танлаш тамойиллари сифатида қуйидагилар белгиланган:

а) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳаллий хомашё ресурсларининг мавжудлиги;

б) маҳаллийлаштириш даражаси камида 35 фоизга етиши (ушбу тамойил 2014 йилдан жорий қилинмоқда);

в) ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позициясининг бошланғич хомашёга нисбатан камида биринчи тўртта белгилардан бири даражасида ўзгаришининг таъминланиши;

г) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;

д) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ўхшаш маҳсулотлар импортининг мавжудлиги (янги турдаги маҳсулотлар бундан мустасно);

е) маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг мавжудлиги;

ж) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг сотиш нархлари импорт маҳсулотлари нархларидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган транспорт харажатлари, божхона ва солиқ тўловларини ҳисобга олинган ҳолда)²⁴.

Шу билан бирга, юқоридаги мажбурий мезонларга мос бўлган ва халқаро сифат бошқарув тизимини жорий этган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар Дастурга киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларининг узоқ йиллар давомида изчил амалга оширилиши иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши ва рақобатдошлигининг кучайишига аҳамиятли таъсир кўрсатди. Жумладан:

- иқтисодиётдаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини самарали равишда иш билан таъминланди;

²⁴ Мирзамахмудов Ж.Т. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш. Маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари. Тошкент, 2014

- импорт қилинадиган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар хажмини қисқартириш, импорт бўйича келтириладиган маҳсулотларга валюта харажатларини камайтириш ва мақбуллаштиришга эришилди;

- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган қайта ишлаш маҳсулотлари экспорти кўпайтирилиб, айти пайтда, тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғи камайтирилди;

- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантирилди, иқтисодиётнинг реал секториди мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланилди;

- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтирилди, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштирилди;

- қўшимча иш ўринлари ташкил этилди;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва мамлакатимиз корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга эришилди.


Масалан, “Ўзавтосаноат” компанияси автомобиль ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2015 йилгача 10 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. «Новий век» газетасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига асосланиб хабар беришича, лойиҳаларнинг умумий қиймати 460,7 миллион долларни ташкил этади.

Хусусан, компания умумий қиймати 310 миллион долларга тенг бўлган, йилига 225 минг донагача узел ва трансмиссия ишлаб чиқариш имконига эга бўлган корхонани йўлга қўйишни режалаштирган. Лойиҳа GM Uzbekistan ишлаб чиқариш қувватларини маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилади.

Рўйхатда, шунингдек, қиймати 90 миллион долларга тенг бўлган, 10 миллион квадрат метргача ойна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ҳам бор. Бундан ташқари, «Ангрен» эркин индустриал зонасида 2016 йилгача тормоз тизими қисмларини ишлаб чиқариш ва чўян деталларни

қайта ишлашни ўзлаштириш режалаштирилган; ушбу лойиҳалар қиймати умумий 50 миллион долларга баҳоланган²⁵.

Маълумотларга кўра, кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2004 йилда 135 та корхона негизида 201 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2013 йилда 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди.



2-чизма. Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони.


Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари самарадорлигини баҳолашда импорт ўрнини босиш самараси кўрсаткичи муҳим ўрин тутди. Импорт ўрнини босиш самараси маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида тежалган импорт маҳсулотлари қиймати орқали намоён бўлади.

Агар мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилда олдинги йилга нисбатан 1,2 баробар ўсган бўлса, сўнгги 3 йилда қарийб икки баробар ошди. Натижада 2013 йилда 1282 янги иш ўринлари яратилиб, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 5,3 млрд. долл.ни ташкил этди.

Шунингдек, 2013 йилда маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларга нисбатан қўлланилган солиқ имтиёзлари

²⁵ «Ўзавтосаноат» 460 миллион долларлик лойиҳаларни тайёрлади. 22.08.2013. - <http://kun.uz/2013/08/22/uzavtosanoat/>

ҳажми 71,7 млрд. сўми, қўлланилган боғхона имтиёзлари ҳажми эса 487,0 млрд. сўми ташкил этди.



3-чизма. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари натижалари.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш имконини берувчи Дастурни амалга ошириш тартибига қуйидаги ўзгатиришлар киритилмоқда:

1) саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини тақдим этишга мўлжалланган электрон дастурий маҳсулот жорий этилди. Ушбу дастурий маҳсулот қуйидаги имкониятларни яратади:

- ҳар қандай корхона ёки хусусий тадбиркор исталган жойдан туриб интернет орқали ўз ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва экспертиза учун тақдим этиши мумкин;

- корхоналар билан “бир ойна” усулида ишлаш имкониятини беради;

- ортиқча вақт сарфи ва турли оворагарчиликлар бартараф этилади;

- қоғоз сарфи бир неча баробар камаяди;

- ҳужжатларни кўриб чиқишга ва хулоса тайёрлашга сарф қилинадиган вақт ҳам тахминан 2 баробар камаяди ва ҳ.к.;

2) Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш тартибига ўзгатиришлар киритилди. Бу эса қуйидаги имкониятларни беради:

- Маҳаллийлаштириш дастурига кириш учун талаб этиладиган минимал маҳаллийлаштириш даражасини 30 фоиздан 35 фоизгача кўтариш;

- Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришни Идоралараро Махсус комиссия рухсатсиз амалга оширилиши;

- мажбурий мезонларга мос бўлган ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга Дастурга кириш учун қўшимча имтиёз берилиши ва ҳ.к.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатимизда 2013 йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликни таъминлаган ҳолда модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланишнинг асосий омилларидан тўлиқ фойдаланилгани, бу борада белгилаб берилган самарали иқтисодий сиёсатнинг изчил амалга оширилгани пировардида макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамланишига ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланишига замин бўлди.

III БОБ. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни самарали амалга оширишда давлатнинг ролини ошириш истиқболлари

3.1. Республикада ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш йўллари

Барча дастурлар ҳар йили Ҳукумат қарорига асосан қайта кўриб чиқилади ва қўшимчалар киритилади. Келгуси йилдаги инвестицион дастурни шаклланиши жорий йилнинг бошидан қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

- Вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органлари инвестицион таклифларни ишлаб чиқади.

- Вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органларининг инвестицион таклифлари келгуси йил давлат бюджетига олдиндан келишиш учун иқтисодиёт вазирлигига, молия вазирлигига кўриб чиқиш учун берилади.

- Иқтисодиёт вазирлиги ҳамма келиб тушган инвестицион таклифларни маълумотлар базасига киритади ва уларни экспертиза қилади.

- Лойиҳаларни экспертиза қилгандан сўнг, иқтисодиёт вазирлиги давлатнинг биринчи даражали ва бошқа мезонларига асосан инвестицион таклифларни танлаб олади.

- Иқтисодиёт вазирлиги томонидан инвестицион дастурнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади ва келгуси йил давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун молия вазирлигига тақдим этади.

- Инвестицион дастурнинг лойиҳаси Ҳукуматга тасдиқлаш учун киритилади.

Инвестицион дастурга киритилган айрим лойиҳалар ўзининг мураккаблиги, таркиби ва ўлчами билан аниқ лойиҳа эмас, балки кўпроқ инвестиция дастурини ташкил қилмоқда. Бу эса ўз навбатида авваламбор лойиҳани амалга оширишда катта хатарни келтириб чиқармоқда, қолаверса дарҳол катта маблағ солиш мажбурияти билан чет эл инвестициясини жалб қилишни қийинлаштирмоқда.

Ўзбекистон бой табиий, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларига, улкан инвестиция имкониятларига эга бўлган мамлакатдир. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг ютуқларини таъминлайдиган ҳал қилувчи омил — бу зарурий, инвестициялаш билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган жами масалаларни тартибга соладиган таъсирчан қрнунчиликнинг борлигидир.

Республикада яратилган қулай инвестиция муҳити биринчи навбатда мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан тавсифланади. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Фуқаролик, Солиқ, Ер Кодекслари бу муҳитнинг негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», янги таҳрирдаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» каби ва бошқа қонунларда инвесторларга бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар мустаҳкамлаб қўйилган. Чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш мақсадларида қушимча имтиёзлар ва преференциялар бериш назарда тутилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Республиканинг экспорт-потенциалини кенгайтириш ва валюта билан уз харажатларини узи қоплаш, маҳсулотлар ва экспорт товарлари рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиб бериш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан бир қатор қушимча имтиёзлар ва преференциялар жорий этилди.

Чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш, республиканинг ҳар бир минтақасида экспортга мулжалланган қушма қорхоналар ташкил қилиш йулида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинмоқда ва амалга оширилмоқда. Улар жумласига 2000 йил 11 октябрда қабул қилинган 393-сонли «Қўшма қорхоналар ташкил қилишда чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2001 йил 23 ноябрдаги 459-сонли «Республика минтақаларида чет эл

инвестициялари иш-тирокидаги корхоналар ташкил қилиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарорлари ҳам киради.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳасининг амал қилиш муддати уни тузишдан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади. Асосий шарт шуки, режанинг муддати ё бир марталик лойиҳани тугал амалга ошириш учун ёки ишлаб чиқариш қуввати ва сотиш режалаштирилаётган даражага етиши учун, солинган маблағлар ўзини қоплаш муддатини ва унинг рентабеллигини белгилаш учун етарли бўлиши керак.

Инвестиция лойиҳаларининг функционал вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона мақсадларини аниқ таърифлаш, уларни амалга ошириш ва мақсадга эришишнинг конкрет миқдор кўрсаткичларини белгилаш; қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий дастурларни ишлаб чиқиш; зарур молиялаш ҳажмларини ва унинг манбаларини аниқлаш; лойиҳани амалга оширишда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва муаммоларни аниқлаш; лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилиш тизимини ташкил этиш; лойиҳани молиялашга инвесторларни жалб этиш учун батафсил асосларни тайёрлаш.

«Фирманинг фаолиятини бизнес-режа ёрдамида режалаштириш, биринчидан, фирма раҳбарлари зиммасидаги жавобгарликни ва айни вақтда уларнинг вазифаларини белгилаб қўйиш имконини беради; иккинчидан, ушбу раҳбарларни фирманинг истиқболи билан шуғулланишга ҳамда мақсадларни ва уларга эришиш йўлларини янада аниқроқ белгилашга мажбур қилади; учинчидан, кейинги назорат учун фирма фаолиятининг зарур кўрсаткичларни белгилайди; тўртинчидан, фирмани анча мослашувчан ва бозорда вазият бехосдан ўзгаришига тайёр қилиб қўяди».

Ишлаб чиқариш лойиҳаларига инвестиция маблағлари солиш учун қулай муҳит яратилганидагина ислоҳотлар сезиларли натижалар бера бошлашига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ана шундагина сифатли инвестиция

лойиҳаларини (бизнес-режалар, техник-иқтисодий асосларни) ишлаб чиқиш қобилияти ҳар қандай корхона фаолиятининг зарур қисмига айланади.

Жаҳон амалиётида инвестиция лойиҳасининг тузилмасига қўйиладиган стандарт талаблар мавжуд. Шу билан бирга, конкрет лойиҳанинг мазмуни унинг спецификасига боғлиқ бўлиши мумкин. Бу специфика қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- лойиҳанинг қайси тармоққа мансублиги; корxonанинг катта-кичиклиги; лойиҳанинг асосий (стратегик) мақсади (мавжуд корxonани кенгайтириш ёки янги корхона барпо этиш); молиялаш шартлари (ташқи манбаларга эҳтиёж бор ёки йўқлиги).

Лойиҳалар тузилмасига стандарт ёндошувлар мавжуд бўлсада, инвестиция лойиҳаларини тузиш назарияси билан шуғулланувчи айрим муаллифларнинг ушбу масалада ўз қарашлари бор.

Чунончи, Эрик С.Зигел ва бошқалар қуйидаги тузилмани таклиф қиладилар:

« - Мундарижа; ижро резюмеси; компаниянинг умумий тавсифи; маҳсулотлар ва хизматлар; маркетинг режаси; талабни аниқлаш; рақобат ва бошқа ташқи омиллар; маркетинг стратегияси; бозорни тадқиқ қилиш; ишлаб чиқариш режаси; лойиҳани ишлаб чиқиш; тайёрлаш ва сервис; бошқариш ва ташкил этиш; капитал ва компаниянинг юридик шакли; молиявий режа».

Ўз навбатида, Г.Берль ва П.Киршнер ўз вариантларини таклиф қиладилар:

« - Титул варақ; бизнесни идентификациялаш; мақсад, бизнеснинг тавсифи; бозор; рақобат; менежмент; ходимлар; корxonанинг жойлашган ери; молиявий маълумотлар; маблағларга бўлган талаб; амортизация; дастлабки баланс; зарар кўрмай ишлаш таҳлили; даромаднинг дастлабки ҳисоб-китоби; нақд пул ҳаракатининг прогнози ва таҳлили; ҳисобот; резюме, иловалар».

Барча бўлимнинг ўзига яраша мақсадлари мавжуд бўлиб, биз қуйида молиявий бўлим ҳақида кўпроқ тўхталамиз. Молиявий бўлимнинг асосий мақсади бутун лойиҳани ҳаражатлар ўзини қоплаши, рентабеллик даражаси

ва корхонанинг молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан умумий-иқтисодий баҳолашдан иборат. Бўлажак инвесторлар учун бу бўлим энг қизиқарли бўлимдир, чунки у пул маблағларидан бошқача усуллар билан фойдаланишга қараганда лойиҳанинг жозибadorлик даражасини баҳолаш имконини беради. «Молиявий бўлимнинг мақсади ... компания фаолиятдан кутилаётган молиявий натижаларни акс эттирадиган кенг қамровли ва ишончли лойиҳалаш тизимини таърифлаб бериш ва тақдим этишдан иборат. Агар ушбу маълумотлар пухта тайёрланган ва ишонарли тарзда исботланган бўлса, улар бизнеснинг жозибadorлигини баҳолаш учун энг муҳим мезонлардан бирига айланади».

Инвестиция ҳақидаги қарорларни танлаш ҳам катта муаммо. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, инвестиция хатарлари мавжудлиги ва бошқа шу каби омиллар қарор қабул қилишни қийинлаштиради. Узоқ муддатли лойиҳаларни баҳолаш айниқса сермехнат иш бўлиб, улар учун прогноз даражасига эришиш эҳтимолдан узоқ. Қарорларни қабул қилиш вақтида маблағларни қайси соҳага: ишлаб чиқаришга, қимматли қоғозларга, кўчмас мулкка, товарларга, валютага ёки бошқаларга сарфлаш фойдалироқ бўлишини аниқлаб олиш муҳим. Инвестиция ҳақида қарорлар қабул қилган вақтда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- пулни банкда сақлашга қараганда кўпроқ соф фойда олиш мумкин бўлсагина пул маблағларини ишлаб чиқаришга ёки қимматли қоғозларга инвестициялаш мумкин;

- инвестицияларнинг рентабеллиги инфляциянинг ўсиш суръатларидан ортиқ бўлганидагина маблағларни инвестициялаш мумкин;

- дисконтлашни ҳисобга олганда энг рентабелли лойиҳаларгагина маблағларни инвестициялаш мумкин.

Мониторингнинг мазмуни "кузгу" деган маънони англатади.

Мониторингни юритишда қуйидагилар кузда тутилади:

1. Амалга оширилмокчи бўлган лойиҳада нима ишлаб чиқариш кузда тутилганлиги.

2. Ишлаб чиқариш жараёнини билишлик, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиргача кузатиб бориш.

3. Ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳатдан асосланиши ва ташкил этилиши.

4. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқдаш ва уни молиялаштиришни амалга ошириш.

Мониторинг олиб бориш босқичлари булиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг молиявий - хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;

- олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий - хўжалик ҳолатини таҳдил этиш;

- таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Дастурни амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1 - сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари тўғрисида"²⁶ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Дастурнинг давлат мониторинги:

- инвестиция лойиҳаларни ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

- лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларга, танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;

²⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 - сонли "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги Қарори

- амалга оширилаёпан лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо буладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш;
- инвестиция иқдимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

3.2. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни давлат томонидан бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари

Ўзбекистонда инвестиция жараёнини жонлантира оладиган механизмни яратиш зарурияти тобора кучаймоқда, чунки ҳозирча мамлакатимизда ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган барқарор иқтисодий механизм ва ишлаб чиқариш сектори учун инвестиция ресурсларини тўплаш механизми тўлиқ ташкил этилмаган.

Бозор муносабатлари шароитида инвестиция борасидаги фаолликни рағбатлантириш механизми бир неча блокни ўз ичига олиши зарур. Булар:

- марказлаштирилган капитал маблағларнинг (давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан) оқилona тақсимланишига ва самарали фойдаланилишига ёрдам берадиган иқтисодий воситалар ҳамда ташкилий чора-тадбирлардан;

- минтақалар даражасида инвестиция фаолиятининг молиявий базасини мустаҳкамлайдиган иқтисодий механизмдан;

- корхоналар ва ташкилотларнинг ўз жамғармалари ўсишига ёрдам берадиган иқтисодий чоралардан;

- хусусий тадбиркорларнинг инвестиция борасидаги фаоллигини рағбатлантирадиган иқтисодий механизмдан;

- аҳоли жамғармаларини иқтисодиётни инвестициялаш мақсадларида ишга солиш воситаларидан;

- бевосита ва қарзга олинадиган чет эл инвестицияларини жалб этиш чораларидан иборат.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизми ичидаги турли блокларнинг воситалари ва усуллари ўзаро бирикиб, бир-бирини тўлдиради ва бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда амал қилиб, инвестициялар келадиган турли йўللарни ишга солади ва рағбатлантиради.

Инвестиция қўйилмаларининг амалдаги самарадорлиги олинган самарага кўра баҳоланади. Маълумки, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) мамлакатнинг иқтисодий ўсишини кўрсатувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. ЯИМни миқдори ва ўсиш суръатлари эса иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестицияларнинг миқдорига боғлиқ.

Шуни такидлаб ўтиш керакки, марказлаштирилган инвестицияларни бозор тамойилларига асосланмасдан, ҳокимият органларининг субъектив қарорлари асосида ажратиш давлат маблағлари самарасиз сочилиб кетишига ва шунинг оқибатида, жойларда тугалланмаган ишлаб чиқариш кўпайишига олиб келиши мумкин.

Инвестиция сиёсатида бозор муносабатларининг устунлик қилишига инвестицияларни танлов асосида тақсимлаш жорий этилиб, очиқ турдаги тендерлар тизимидан фойдаланилса, тижорат банкларининг кредитлари билан кафолатлаш, ихтисослаштирилган банklar ташкил этишда қатнашиш ва ҳоказолар орқали билвосита молиялашни кенгайтириш ҳисобига бюджетдан тўғридан-тўғри молиялаш қисқартирилса, бюджет маблағларининг бир қисмидан нодавлат ташкилотларнинг маблағлари билан биргаликда давлат-хусусий ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаш учун фойдаланилса ёки хусусий капитал оладиган фойдаларнинг кафолати сифатида фойдаланилган ҳолатларда эришилади.

Масалан кредит тизими бозор муносабатлари шароитида маблағ топишнинг ва айниқса, унинг марказлаштирилган манбаларининг энг муҳим иқтисодий воситасидир. Бу тизимнинг механизми кредит ставкаларини даражалаш, кредитлар ҳажмларини ва улардан фойдаланишнинг қулайлигини ўзгартириш, уларни танлов асосида бериш орқали амал қилади. Қарз фоизи ставкаларини ва мажбурий банк заҳиралари нормаларини

тартибга солиш инфляция даражасига, нархлар динамикасига, миллий валюта курсига, капитал ва маҳсулотни экспорт ҳамда импорт қилишга таъсир кўрсатишни таъминлайди. Қарз фоизини ва имтиёзли кредитлар беришни тартибга солиш йўли билан бозор шароитларида инвестицияларнинг устувор тармоқлар ва соҳаларга ўтиб туришига эришилади ва шу тариқа иқтисодиётнинг реструктуризация қилиниши таъминланади. Қиска муддатли банк кредити ишлаб чиқаришни инвестициялаш муаммоларини ҳал қила олмаслиги сабабли капитал савдо-воситачилик соҳасидан моддий ишлаб чиқариш соҳасига ўтиб туришини таъминлаш учун, узоқ муддатли кредитлар учун олинадиган фоиз ставкаларини кескин камайтириш зарур.

Ҳам миллий, ҳам чет эл хусусий тадбиркорлик капиталини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари тизими инвестиция сиёсатини амалга оширадиган бутун иқтисодий механизмнинг муҳим қисмига айланиши керак. Чунончи, хусусий сектор учун ғоят имтиёзли инвестиция муҳити Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиёт ғоят жўшқин ривожланишининг, хусусий тадбиркорлик тез ўсишининг сабаби бўлди. Айнан қулай инвестиция муҳити хусусий бизнеснинг амалий фаоллигини юқори даражада сақлаб туриш имконини бермоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда «Ўзбекистон Республикасидаги чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонуни ва «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қонун амал қилиб турибди. Энг аввало, чет эл инвесторларига қайси мамлакатга мансублигидан, миллати ва диний эътиқоди қандай бўлишидан қатъий назар камситилмаслиги каби кафолатлар, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида инвестициялаш шароитлари ёмонлашувидан кафолатлар, инвесторлар фаолиятига таалуқли ахборотдан эркин фойдаланиш кафолатлари, давлат бошқаруви идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари вакилларининг қонунсиз ҳаракатларидан ёки ҳаракатсизлигидан кафолатлар берилган.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш иқтисодий механизмнинг асосий таркибий қисми хусусий капитални худуд хўжалигини ривожлантириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган соҳалар ва ишлаб чиқаришларга солишга ёрдам берадиган имтиёзлардан иборат. Имтиёзлар берилганида миллий ва хорижий компаниялар одатда ҳуқуқи расман бараварлаштирилади, лекин амалда маҳаллий фирмаларнинг аҳволи унчалик яхши бўлмайди. Жаҳон тажрибасини, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, фискал имтиёзлар тизимининг вужудга келиши иқтисодиётни индустриялаш, таркибий қайта қуриш, модернизациялаш, иш билан бандлик ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал қилишда хусусий капиталдан фойдаланиш билан боғлиқ.

Солиқ сиёсатининг функциялари маълум даражада умуммиллий вазибалар ҳамда минтақани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлангандир. Агар иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши экспорт салоҳиятини ривожлантиришдан иборат бўлса, у ҳолда, табиийки, фискал имтиёзлар соҳаси ҳам экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш учун қўлланилиши керак. Шу билан бирга, солиқ ёрдамида рағбатлантиришга фақат давлат стратегиясининг эволюцияси нуқтаи назаридан қараш мумкин эмас. Солиқ тизими мамлакатда юз бераётган чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан, шунингдек, хусусий тадбиркорлик капиталининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида солиқ инвестицияларга йўналтириладиган даромадларни камайтиради ва шу сабабли хусусий секторга юқори солиқ солиш керак эмас, деган қоида мавжуд. Бу қоида солиқ сиёсатининг ва хусусий инвестицияларни рағбатлантириш амалиётининг концептуал асосидир. Инвестиция товарларининг баҳоси солиқ преференциялари ҳисобига камаяди, солиқ тўланганидан кейин хусусий капиталга тўғри келадиган фойда нормаси эса ошади. Натижада капитал маблағлар ҳам ўсади. Бизнинг фикримизча солиқ ёрдамида рағбатлантириш тизимининг Ўзбекистонда ҳам ривожланиши муқаррардир.

Солиқ имтиёзлари тизимини ривожлантириб, барча мулк шаклларига мансуб хўжалик юритувчи субъектлар ва айниқса, хусусий миллий капиталнинг инвестиция борасидаги фаоллигини рағбатлантириш йўлидан бориш қуйидагиларни назарда тутиши керак:

- юридик шахслар даромадларининг ишлаб чиқаришни инвестициялашга йўналтирилган қисмини солиққа тортиш бўйича имтиёзлар бериб, бу имтиёзларни улардан фойдаланиш самарадорлиги билан каттик боғлаш;

- имтиёзлар амал қилиб, айти вақтда солиққа тортиладиган объектлар сонининг кўпайишига ёрдам берадиган соҳаларни кенгайтириш.

Ривожланаётган мамлакатларда инвестицияларни солиқ ёрдамида рағбатлантиришнинг кенг тарқалган чораси даромад солиғи тўлашдан вақтинча озод қилиш бўлиб, бу чора солиқ таътиллари дейилади. Эркин солиқ режими ўз капиталини ишлаб чиқаришга инвестициялайдиган кўпгина компанияларга қисман ёки тўлиқ солиқ таътиллари бериши керак. Сингапурни мисол қилиб келтирадиган бўлсак, экспортга мўлжалланган корхоналар учун экспортдан олинадиган даромаднинг қўшилган суммаси 10 йидан 15 йил муддатгача солиқ тўлашдан озод қилиниши мумкин. Таиландда солиқ имтиёзининг миқдори корхона қайси тармоққа мансублигига қараб белгиланади ва 3 йилдан 8 йилгача жорий этилади, шундан кейинги 5 йил учун эса даромад солиғи тўлашдан қисман (50% миқдорида) озод қилиш назарда тутилади.

Қимматбаҳо техникани бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш шарти билан сотиб олиш имконини берадиган лизингни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида лизинг операцияларига махсус солиқ имтиёзлари белгилаш мақсадга мувофиқдир. Инвестициялар муаммосини ҳал қилиш учун лизинг қанчалик яроқли эканлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди: АҚШда машина ва ускуналарга солинадиган

маблағларнинг 25-30%, Австрияда 33%, Англия, Франция, Швеция, Испания, Италияда эса 12-17% лизинг асосида амалга оширилади.²⁷

Инвестиция борасидаги фаолликни рағбатлантириш механизмининг энг муҳим таркибий қисми капиталнинг савдо-воситачилик соҳасидан моддий ишлаб чиқариш соҳасига ўтиши жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватланишидан иборат бўлиб, бундай рағбатлантириш даромаднинг солиққа тортилмайдиган, ишлаб чиқаришни, уй-жой, ижтимоий соҳа объектлари қурилишини инвестициялашга йўналтириладиган қисмини кўпайтириш ёки техника билан қайта қуроллантириш учун фойдаланиладиган даромаднинг ҳаммасини солиқдан озод қилиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетга тушимлар камайишининг ўрнини қоплаш учун савдо ҳамда воситачилик операцияларига оширилган даромад солиғини ва воситачилик ҳақларини жорий этиш мумкин. Ўрта ва қисқа муддатли даврларда имтиёзли режимни ишлаб чиқариш аппарати фаол модернизация қилинаётган ва капитал маблағлар тез самара бериши мумкин бўлган ишлаб чиқаришларга бериш зарур. Узоқ муддатли даврларда имтиёзли режимни ишлаб чиқариш салоҳиятини янги технология асосида янгилашга ва мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ишлаб чиқаришларда жорий этиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги фаолликка таъсир кўрсатишнинг юқорида таклиф қилинган бевосита ва билвосита омилларидан фойдаланиш реал секторга капитал кириб келишига, инвестиция фаолияти жонланишига ёрдам беради ва шу тариқа барқарорлашувга ва шундан кейинги иқтисодий ўсишга ёрдам беради.

²⁷ Гиттинджер Дж.П. Экономический анализ проектов. Определение затрат и выгод. Балтимор, 1982. 221б.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни жадаллаштириш ҳамда уни самарали бошқаришда ҳукумат ролини кучайтириш, Республиканинг молиявий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш иқтисодиётни модернизациялаш билан бир қаторда аҳоли фаровонлигини оширишга асос бўлади. Бунда мамлакатда лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инфрутузилмани янада қулайлаштириш катта аҳамият қаратилади. Бу борада Президентимиз Ислон Каримов “Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда.”²⁸ деб ўтдилар.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини самарали амалга ошириш йўллари бўйича олиб борилган ўрганишлар натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди.

1. Инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.

2. Ўзбекистон иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни бажарилишини самарали амалга оширишда ҳукуматнинг ролини ошириш ижобий натижалар бермоқда.

3. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш зарурлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция фаолиятини кучайтиришни талаб қилади.

4. Ҳукумат бюджети маблағлари чекланганлигини ҳисобга олиб, инвестиция соҳасида асосий устувор йўналишларни танлаб олиш даркорлиги долзарб аҳамият касб этаётганлиги ўрганилди.

²⁸ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

5. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тизимини жадаллаштиришда инфляция суръатларини пасайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш кераклиги аниқланди.

6. 2012 йилнинг январ-декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 23,679 трл.сўмга тенг бўлганлиги аниқланди.

7. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси кимё саноатининг ривожланиш Дастури 30 лойиҳани ўз ичига олиб, уларнинг умумий қиймати 2,8 млрд. АҚШ долларига яқинлиги ўрганилди.

Шунингдек, мавзу юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида куйидаги таклифлар шакллантирилди.

1. Ўзбекистоннинг узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш миллий ва чет эл капиталларини иқтисодиётнинг реал секторига эркин равишда ўтишини таъминлашга қодир бўлган тўлақонли фонд бозорини ташкил этишни ва унинг фаолият кўрсатишини талаб қилмоқда. Унинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида бюджет харажатларини оптималлаш ва давлат бюджетининг тақчиллигини ноинфляцион манбалар ҳисобига қоплаш, яъни фонд бозоридан қарз олиш зарур.

2. Банк-молия тизимининг фаолиятини кучайтириш ҳамда инвестиция жараёнида банкларнинг ролини ошириш учун аҳолининг омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

3. Республикада амалга оширилаётган ҳукуматнинг инвестиция дастурига ўхшаш дастурлар сонини ва сифатини ошириш келажакда инвестиция фаолиятини янада самарали юритишда асос бўлиб хизмат қилади.

4. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини амалга оширишда мониторинг тизимини муваффақиятли жорий этиш лозим. Бунда лойиҳаларни бажарилишида маълум муддат ичида маълумотларни режадагидек кетаётганлигига эътибор қаратиш керак.

5. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларни молиявий-иқтисодий жиҳатдан маъқуллигини ўрганиб чиқиш лозим. Бунда лойиҳаларни дисконт ва нодисконт баҳолаш усуллари фойдаланиш даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил. 16-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й. 719-І-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил, 609-І-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”,

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида”ги Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 январдаги ПҚ-1048 -сонли "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрда «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1236-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3937-сонли Фармони.

9. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005йил 12 апрелдаги Фармони.

10. «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил этиш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 - сонли "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги Қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 йил 2 декабрдаги 538 – сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Республика минтақаларида чет эл инвестициялари иш-тироқидаги корхоналар ташкил қилиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 459-сонли Қарори, 23.11.2001 йил.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қўшма корхоналар ташкил қилишда чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида” 393-сонли Қарори, 01.10.2000 йил.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

15. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

16. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

17. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузани ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Иқтисодиёт. 2010й.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009 йил, 15 март.

19. Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб ислохотлар йўлларини излаб бориш-асосий вазифа» Ҳалк сўзи 2004.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995й.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон – ўзига хос тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993й.

V. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

22. Абалкин. Л.И. Перспективы экономики России на исходе XX века. // Экономист. 1996й. - № 12.

23. Абалкин Л.И. Стратегия экономического роста и инфляция. // Финансы и бизнес. М., 1998й. -№2. 2-6 б.

24. Аньшин В.М. «Инвестиционный анализ» М.: 2004.

25. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – Киев.: 2-е изд. «Ника-Цент» 2006г.

26. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. «Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика». 2004.

27. Волков А.С. Марченко А.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Учебное пособие. М:Изд.РИОР, 2006

28. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие –М: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко»2006

29. Глазунов В.Н. Критерии оценки инвестиционной привлекательности проектов // Финансы. 1997й. №12. 59-62б.

30. Ғазибеков Д., Узоқов А. Инвестициялар / Иқтисод ва ҳисобот, 1993 й. №5

31. Говен М., Пинте С. Анализ проектов. Колумбия, Огайо, 1985. 42б.

32. Джонс Эрнест. Деловые финансы: Пер. с. англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1998г.

33. Жураев А.С., Хўжакулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойихалари таҳлили Т.: Шарқ. 2003.

34. Ишмухамедов А.Э., Косимов М.С., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. «Лойиха таҳлили». Уқув қулланма. Т.: ЎЁУАЖ 2004.

35. Ишмухамедов А.Э., Хайдаров М.Т., Мухамеджанова Г.Я. «Лойиха бошқаруви» Ўқув қўлланма, Т.: ТДИУ, 2006 й.

36. Кожухар И.О. практикум по экономической оценке инвестиций. Учебное пособие. 2-е изд. М: Издательско -товговая корпорация «Дашков и Ко» 2006

37. Крылов Э.И. Власова В.М. Журакова И.В. «Анализ эффективности и инновационной инвестиционной деятельности предприятия» М.: 2004.

38. Е.Г. Непомнящий «Экономическая оценка инвестиций» Учебное пособие. Таганрог 2005.

39. Тимченко Т.Н. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие. М: Издательство РИОР 2005

40. Пинто Дж. Управление проектами. Питер. 2004.

41. Турдиев А.С. Инвестицион фаолият бошқарувини такомиллаштириш йўллари. / - Т.: НИИЭиРПС, 1994й. 85-91б.

42. Убайдуллаев Р.А.. Хусаинов М. Инвестирование в условиях рынка. / Экономика и статистика. 1994й. №4. 19-22б.

43. Ғозибеков Д. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” Т.: Молия – 2003.

VI. Интернет саҳифлар

45. www.gov.uz

46. www.mfer.uz

47. www.mf.uz

48. www.mineconomy.uz

49. www.stat.uz

50. www.lex.uz

51. www.cbu.uz